

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



## ОЛҒА БОРИБ, ЯНАДА ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ РАЙОНЛАРИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДАН

30 ноябрда Акмал Икромов, Чилонзор, Октябрь ва Сергели районларида ҳисобот-сайлов партия конференциялари бўлиб ўтди. Уларда район партия комитетларининг ва ревизия комиссияларининг ҳисобот доклады, янги таҳрирдаги КПСС Программаси ва таклиф этилаётган ўзгаришлар билан партия Устави лойиҳалари муҳокама этилди.

Конференцияларнинг делегатлари КПСС Марказий Комитетининг апрель ва октябрь (1985 йил) Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми позициясидан туриб район партия комитетларининг ҳисобот давридаги фаолиятини агрофлора таҳлил этдилар, беш йилликка якун ясаб, келажак вазифаларини белгилаб олдилар.

Коммунистларни, барча меҳнат коллективларини якунловчи йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш билан боғлиқ масалалар конференцияларнинг қатнашчилари диққат марказида бўлди. Камчилик ва нуқсонлар талабчанлик ва ишчанлик билан таҳлил этилди, ижтимоий яшлаб чиқаришни янада интенсификация, фан-техника тараққиётини жаддалаштириш, интизомни мустаҳкамлаш, моддий, энергетика ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Конференцияларда район партия комитетларининг, район партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг янги

составлари, Тошкент шаҳар ва об-ласть партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Район партия комитетларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди. Т. Ҳайдаров Акмал Икромов район партия комитетининг биринчи секретари, Б. В. Ефремов Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари, О. Х. Асқаров Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари, Г. Л. Зарубин Сергели район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайландилар.

Конференциялар ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президумининг Раиси О. У. Салимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секре-

тари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон касабасозлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Конференциялар ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент об-ласть комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретарлари А. В. Гончарова, С. М. Юсупов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маъсул ходими В. Ю. Зорин ва бошқалар қатнашдилар.

Ўзбекистон пойтахти районлари ҳисобот-сайлов партия конференциялари иши тўғрисида батафсил ҳисобот газетанинг келгуси сонида ёритилади.



● СУРАТЛАРДА: Акмал Икромов, Чилонзор, Октябрь ва Сергели районлари ҳисобот-сайлов партия конференцияларида.

Т. Каримов ва М. Нуриддинов фотолари.



### ● МЕҲНАТ РАПОРТИ

## ҚУРУВЧИ-ҲАЙДОВЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

«Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг коллективни Чилонзор район ҳисобот-сайлов партия конференциясининг очилишига муносиб меҳнат совғасини тайёрлади. Ҳайдовчилар курилиш материалларини ташини бўйича беш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Бошқарма коллективга қўшимча равишда 2,1 миллион тонна курилиш материаллари ортиришни бажариб, беш йиллик охирига қадар белгиланган план-контрактини 94,1 миллион тонна-километрга

етаказишга қарор қилди. Беш йиллик бошидан бери меҳнат унвондорлиги план кўрсаткичидан 2,2 процент ошиб кетди, планга қўшимча равишда 2,3 миллион сўм даромад олинди. Бундай муваффақиятга барча бўлинмаларда кенг авж олган социалистик мусобақа тўғрисида эришилди. Деярлик барча автокор-

хоналар план-топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Бунда айниқса 1, 2, 4, 10-автотранспорт корхоналарининг коллективлари ўрнатилди. Бошқармада бригада лудратини жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Ҳозир 52 коллектив ана шу усул бўйича меҳнат қилаяти, бу жами бригадаларнинг 64,2 процен-

тини ташкил этади. Уёсалик комбинатлари учун панелларни ташини 2-автотранспорт корхонасининг Г. Садронов ва 10-автотранспорт корхонасининг Е. Терехов бошлиқ бригадалари меҳнат бел-шувидан энг яхши кўрсаткичларга эришдилар. Бошқарманинг беш ҳайдовчиси «Бир беш йилликда — икки беш

йиллик» ташаббусига қўшилган эди. Шулардан тўрт нафари ўз мажбуриятларини бажаришда муваффақият қозонди. Е. Терехов, А. Мирзақасимов, Б. Макаров, И. Бабичук шулар жумласидандир. Аксарини ҳайдовчилар беш йилликни тўрт йилда бажаришди. Бир қатор автомобил-корхоналарида ёнги-энергетика ресурсларини иқтисод қилиш соҳасида қриматли тажриба тўпланди. Партия, касабасоз ва комсомол ташкилотла-

ри, ҳўжалик раҳбарлари билан-моллаш материалларидан самарали фойдаланиш масалалари билан мунтазам шуғулланмоқдалар. Натияжада белгиланган топшириқ бажарилиди: йил бошидан бери 264 тонна бензин ва 104,7 тонна дизель ёқилғисини тежаб қолдирилди.

КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор меҳнат ваҳтасига турган бошқарма коллектив ўз зиммасига янги оширилган мажбу-

рият қабул қилди. Йил охирига қадар қўшимча равишда 200 минг тонна юк ташини бериш, съезд очилмаган кунга қадар январь-февраль ойлари юк ташини планини бажариш, бир кун иқтисод қилинган ёқилғи ҳисобига ишлаб беришга қарор қилинди.

Р. КОРОЛЕВА, «Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси план-иқтисод бўлимининг бошлиғи.

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИНИНГ ИЖОДИЯ ҲИСОБОТИ

30 ноябрда ўз иштини якунлаган республика Композиторлар союзи правленисининг пленумида

XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг съездини муносиб олиш юзасидан ана шу ижодий союзнинг вазифалари муҳокама қилинди. Тошкент ва Самарқандда бир неча кун мобайнида ўтган концертларда симфониялар, халқ чолғу асарлари оркестри учун ёзилган «Ленин, дўстлик» эпик қасида-поэ-

лар янгради. Музикали театрлар томошабинларга янги ҳавола берди. Композиторлардан К. Кенжаев, С. Бобоев, А. Берлин болаларга янги қўшиқлар ҳади этдилар. Уларни Ўзбекистон Телевидение ва радиошиттириш давлат комитетининг «Булбулча» болалар хори-ижро этди. (ЎЗТАГ).

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг саноат бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари мастерлари, участка ва цех бошлиқларининг ролини оширишга қаратилган таклифларини муҳокама қилди ва маъқуллади. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда шу категориядаги ходимларнинг меҳнатини маънавий ва моддий рағбатлантиришни, ишлаб чиқаришни ташкил этишда, меҳнат коллективлари фаолиятининг ҳамма жиҳатларини яхши-лашда уларнинг актив ишти-роқ этишини кучайтириш тад-бирлари белгилаб берилган. Қарор матбуотда эълон қилинади.

Сўнгги ўн беш йил ичида мамлакат аҳолисининг сопи, состави ва территориал жойлашувидан катта ўзгаришлар бўлиб берилганини ҳисобга олиб, Сиёсий бюро 1989 йил январда навбатдаги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олишни ўтказишни мақсадга мувофиқ деб топди. Хукуматнинг марказида ва жойларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик билан боғлиқ бўлган таклифлари маъқулла-ди.

Сиёсий бюро Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ҳарбий хизматчиларини уй-жай билан таъминлашни яхши-лаш масаласини муҳокама қилди ва шу соҳада теж-лиш тadbирларини ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берди.

Мажлисида партия ва давлат органларига тақдим қилинадиган ахборот практика-сини тақомиллаштиришга оид баъзи масалалар муҳо-кама қилинди. Бунда объек-тив ахборот асосланган ва самарали қарорлар қабул қили-нишнинг муҳим шарти экан-лиги таъкидланди. Бу партия мамлакатни социалистик ривожлантиришни ани-ча жаддалаштириш вазифаси-ни ўртага қўйган, кадрлар-дан сўз ва иш бирлигини қатъий талаб қилаётган, во-қеликни ҳар қандай бўй-куратига, дабдабозлик ва шов-шувларга қарши ку-раш олиб бораётган ҳозирги даврга айниқса тааллуқлидир.

Сиёсий бюро ҳозир, КПСС XXVII съезди олдидан бўла-ётган ҳисобот-сайлов кампа-ниясини даврида ҳар бир партия ташкилотидан ишларга нообъектив баҳо бериш ва ўз-ўзини мақташга тамоман барҳам берадиган, танқид ва ўз-ўзини танқидга, айниқса, қуйидан бўладиган танқидга кенг йўл очиб берадиган ва-зирнинг унвонда келтириш энг муҳим вазифалардан бири эканлигини ўқитди. Бу аса камчиликлари ўз вақтида очиб ташлаш, уларга тўғри баҳо бериш ва аҳолини қатъ-ий тузатиш тўғрисидаги ле-нинчи талабларни қатъий билан бажариш руҳида кадр-лар масъулиятини кучайти-риш, партия комитетлари бу-тун фаолиятини тақомиллаш-тириш ишнинг таркибий қисmidир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси-да мамлакат ички ҳаётининг ҳамда Совет Иттифоқининг тинчлиги ва халқлар хавфсиз-лигини таъминлашга қаратил-ган таъқириб сўзга асосан амалга оширишни баъзи бошқа масалалари юзасидан қарор қабул қилинди.

### ● Лойиҳа устахонасида ИЙГИРМА МИНГ АҲОЛИ УЧУН

Пойтахтимиз и н и г Юнусобод массиви то-бора кенгайиб бормоқ-да. Ҳозир бу ерда қатор йирик курилишлар қад кўтармоқда. Тош-кентнинг Ҳалқа авто-мобиль йўли яқинида бар-по этилаётган янги ми-кrorайонда ҳам бунёд-корлик ишлари қизғин давом этмоқда. 10-турар жой кварта-лида 20 минг аҳоли истироат қилади. Ло-йиҳага кура янги ми-кrorайонда қатор мада-ний-маиший объектлар

ҳам очилади. Болалар учун ҳам яхши совғалар ҳозир-ланади. Бу ерда бир йўла иккита мактаб би-нос қурилади. Шу-нингдек, 2 та болалар боғчаси бунёд этиш кўзда тутилди. Замонавий типда қад кўтарилган янги ми-кrorайон лойиҳасини «Ташкилот»нинг би-ринчи устахонаси ин-женер ва архитектор-лари тайёрлаб бериш-ди. А. АЛИЕВ.

### ● Йўловчиларга қулайлик «ЭКСПРЕСС» ЭЛЕКТРОН СИСТЕМА

Пойтахтимизда янги бунёд этилган Тошкент-нинг «Жанубий» вокзали йўловчилар учун яхши совға бўлди. Республи-кавий пойтахтининг бу иккинчи вокзалда хиз-мат пунктларининг деяр-лик барчаси автоматлаш-тирилган. Унинг касса зали хиз-матдан ҳам йўловчи-лар мамнун. Бу ерда ҳозир 8 та касса ишлаб турибди. «Билет — 2» тез ҳаракатланувчи си-стеманинг жорий этилиши

вокзални Марказий дис-петчерлик пункти билан зудлик билан боғлаш имконини берди. Касса зали янги ора-да яна бир қулайликка эга бўлади. Бу ерда «экспресс» автоматлаш-тирилган электрон си-стемани ўрнатиб тарв-дуд кўрилмоқда. Янги система фойдаланишга топширилган, кассир би-летин йўловчига деярли 30 секунд ичда расмий лаштириб беради.

### ● Зулфия—70 ёшда ХАЛҚ ШОИРАСИ



пойтахтимиз жамоатчили-ги Ўзбекистон ССР халқ шoirи, Социалистик Меҳнат Қазрамони Зулфия тўғрисида кўннинг 70 йиллигини кенг ишонилмоқда. Республика Ёзув-чилар союзида, олий ўкув юртиларида, қатор ил-мий марказларда шoirанинг сермазун ижоди ва актив иштироки фаолиятга бағишланган ке-чалар, урарушлар, мушoра ва сўхбатлар ўтқа-зилмоқда. Зулфия ўзининг серқирра ижоди билан совет кишиларининг Бутунги ва Келажакнинг тараннум этди. Унинг шеърлари юрт шайолилари билан ҳаммаёса, кишилар кўнгили билан дилдош. Шу-нинг учун унинг асарлари кўнгилга яқин. Шoirа юбилейига бағишланган материалларни газетанинг учинчи савҳифасида ўқийсиз.

### ЗУЛФИЯ МУШОИРА

Гўзал тупроқ узра қуйилди оқшом, Кўнгуз олар дам, Жўшқин мушoира этади давом, Дўстим, кел сен ҳам! Бунда узоқдаги дўст бўлар яқин, Санъат, маҳоратини байрами бунда. Қофия, сўз, ийсра бахслар қизғин, Юраклар даврга қиради бунда. Қай дил чаманга бой, жозиб нафаси, Кўннинг фикри ўткир, тирай, боқар! Бу гурунг — шoirлар мусoбақаси — Шарк шеърини чаманги бу мушoира! Қўнд тупроғи узра қуйилди оқшом, Кўнгуз олгач дам, Жўшқин мушoира этади давом, Дўстлар бўлиб жам. Юраклар жўр яман, овоз ҳамонанг, Зарра эҳтиж йўқ мухташан салга. Бу шеър боғига гўзал, ранг-баранг Қўшиқ солиб келган ҳар шoir дилга...

### ЎЗБЕКИСТОН ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИ ХАБАР БERAДИ

ДЕКАБРЬ ОБ-ХАВОСИ Ойнинг иккинчи ярми-да Ўзбекистон терри-ториясига совуқ кўтб ҳа-восининг кириб келиши кутилади. Бунда темпе-ратура кечаси 10—15, кундузи эса 1—6 даража совуқ бўлади. Ой даво-мида бўладиган ёнги-гар-чилик мезёридан камроқ бўлади.





Бизнинг резервларимиз

Самбочиларимиз истиқболи


Шахримиздаги «Динамо» республика спорт жамоати мектеби спорт мактабларининг энг тунгинчидир. Бу ерда ҳозирги пайтада велоспорт, енгил атлетика, бокс, самбо, дзюдо спорт секциялари мунтазам ишлаб турибди.

25 нафар спортчи бор. Уларнинг самбо сирлари билан яқиндан танишишда катта тренер Александр Мухамметовнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.



ФИНАЛ БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

Тошкентдаги республика шахмат-шашка клубида ўтказилган «РЭНДЗЮ» тафаккур гимнастикаси турнирининг доимий иштирокчиларидан бири Л. Иванов билан мусобақанинг энг ёш қатнашчиси Р. Витенберг баҳс мухлислари эътиборини жалб этди.



Х. ЖАББОРОВ.

СУРАТЛАРДА: СССР спорт мастери, катта тренер Александр Мухамметов ёш самбочилар билан машқ ўтказаяпти; ёш самбочилар беллашмоқда.

Автор фотолари.



Турнир меҳмони ДАЪВОГАР

Тошкентдаги республика шахмат-шашка клубида биринчи ўзбекистон чемпиони Азмиддин Хўжаев хотираси соврини учун ўтказилган анъанавий Бутуниттифоқ шахмат турнири ниҳоятда етмоқда.

Алексей Ермолинскийнинг номи шахмат мухлисларида яхши таниш. 27 ёшли спорт мастери Ермолинский жуда кўп нуфузли турнирларда иштирок этди.



М. ГОРБАЧЕВ.

СУРАТДА: ленинградлик спорт мастери Алексей Ермолинский навбатдаги юриш ҳақида бош қотирмоқда.

М. Юсупов фотоси.

Спорт кундалиги

БАСКЕТБОЛ Бўйича олий лига эркаклар командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг учинчи дара ўйинлари якунидади.

СТОЛ ТЕННИСИ «Ташсельмаш» заводининг спорт залыда стол теннис бўйича Ўзбекистон шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтди.

4 ТОШКЕНТ БЕГ ОҚШОМШ 2 ДЕКАБРЬ, 1985 й.

Шунингдек Ермолинский мамлакатимизнинг кучли шахматчилари — Сергей Долматов (Москва), Геннадий Кузьмин (Ворошиловград), Константин Лернер (Одесса), Иосиф Дорфман (Львов), Георгий Аязмов (Тошкент) каби шахматчилар иштирок этган Ўзбекистон касба соҳасидаги энг биринчилигида ҳам яхши натижа кўрсатди.

Тошкентдаги шахмат турнирлари ленинградлик спортнинг энг юртида ўтказилган анъанавий халқаро «Оқ туялар» турниридаги муваффақиятлари ҳам катта ўрдам бермоқда. Жумладан ўтган йили шу мусобақада иккинчи ўринни олди.

СУРАТДА: ленинградлик спорт мастери Алексей Ермолинский навбатдаги юриш ҳақида бош қотирмоқда.

М. Юсупов фотоси.

пойтахти ёш чарм тўп усталаридан ташкил топган Ўзбекистон терма командаси сўнгги турда москвалик тенгқурлари билан беллашмоқда.

ФУТБОЛ Адлерда «Хоккей — футбол» ҳафталик газетасининг «Переправа» соврини учун бўлаётган турнирининг биринчи босқич ўйинлари якунидади. Асосан республикамиз

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ХУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР! «ТАШХЛЕБОРГ»НИНГ 75 ВА 18 МАГАЗИНЛАРИДА ҲАР ЯҚШАМБА КУНИ «ТАШКЕНТХЛЕБ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА БУЛКА-КОНДИТЕР КОМБИНАТИДА ТАЙЕРЛАБ ЧИҚАРИЛАТГАН НОН-БУЛКА МАҲСУЛОТЛАРИ САВДО-КУРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ 75-магазин ушбу адресда жойлашган: Чилонзор массиви, Гагарин кўчаси. 18-магазин адреси — Гулсанам кўчаси (Трактор заводи). Магазинлар ишлаш тартиби: соат 7 дан 23.00 гача. МАГАЗИНЛАРИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

«РЭНДЗЮ» — ТАФАККУР ГИМНАСТИКАСИ РЭНДЗЮ. Image of children playing a board game.

БУ ҲАҚДА ХОС СПОРТ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ҲАҚИДА «РЭНДЗЮ» СПОРТ МАЙДОНИДА (бу йил Москвада «Рэнджо» шашкаси бўйича Бутуниттифоқ III турнири бўлиб ўтди) ВА ОИЛА ДАВРАСИДА ҒИНАЛАДИ.

«РЭНДЗЮ» ВОЛАЛАРНИНГ ҚАДИМИЙ ҲАҚИДА «КРЕСТИКИ-НОЛИКИ»ГА ҲАШШАДИР. Ҳаққонда шу ҳақда ҳам содда. Квадратларга ажратиб чиқиб қўйилган майдончага шашкаларни беш қаторлаб териб чиқасиз. Қим тез териб чиқолса, у ўзини тез ютаолади.

«НАУКА И ЖИЗНЬ» журналининг 1984 йил 7 сониди ана шу «РЭНДЗЮ» ўйинининг қондалари ва унинг келиб чиқиш тарихи билан батафсил танишиш мумкин.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТИЛИГИ (Телефон 45-37-27).

ТВ logo

ДУШАНБА 2 ДЕКАБРЬ ● МТ I

18.15 «Тугилган кунинг билан, республика», Лос Халк Демократик республикаси ҳақида кино-очерк.

18.35 «Кўноқ нотачалар». СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Ассосий йўналишлари асосида фан-техника таракқиёти.

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Поезд». Телефильм премьераси.

19.40 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Феоктистов чалади (Балалайка).

18.00 Янгилликлар. 18.15 «Ишонлар мамлакатиде». 18.45 «Шонли студияси кўрсатади».

19.15 «Бурча сароқат...» 19.15 «Пахтакорларнинг қишки юмушлари». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Бир асар тарихи». М. Шайхзода. «Тошкентнома». 20.30 «Дирижёр хикоя қилади». 20.50 «Дирижёр хикоя қилади». 21.30 Москва, «Времь». 22.05 «Уруш ва тинчлик». Бадий фильм. 3-серия. «1812 йил». 23.25 Кўрсатувлар программаси. ● УЭТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 География. Вулқонлар, гейзерлар ва қайнар булоқлар. 18.45 «Олдунча». Болалар учун кинофильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Чизма геометрия. Чизма геометрия нимани ўрганади. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Кизикувчилар эгани» (рус.).

СЕШАНБА 3 ДЕКАБРЬ ● МТ I

9.00 «Время». 9.40 «Горничлар, қаердасиз!» 10.10 «Дехқонлар». Бадий фильм. 11.40 Қадимий куйлардан концерт. 12.10 «Погоналар». Хужжатли фильм. 12.30 Янгилликлар.

15.00 Янгилликлар. 15.20 «80-йиллар коммунистлари». Хужжатли фильмлар. 16.20 А. Глазунов. 5-симфония. 16.55 «Билимиз — кудратимиз». Илмий-оммабоп журнал. 17.40 Давлат «Наргис» фольклор рақс ансамблининг концерти (Афғонистон).

18.05 «Ишлар ва одамлар». «Биздан бошқа яна ким». Фан-техника таракқиётида инсон факторининг роли ҳақида. 18.35 «Қалба яқин кўшқлар». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН. АРМАНИСТОВ ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

21.30 «Время». 22.05 М. Ю. Лермонтов. «Маскарад» драматизини сахналар. 23.35 «Дунё воқеалари». ● УЭТВ II

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълим давлат комитети 42-УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1985-1986 ўқув йили учун 6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҲАҚ ҚИЛДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУНИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЕРЛАДИ: ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИ, ЭЛЕКТРОАГАЗПАВАНДИЧ, МЕХАНИКА-ИЎГУВ СЛЕСАРИ, ФРЕЗЕРЧИ, ЭЛЕКТР МОНТАЖЧИ, ФОРМАЛОВЧИ, СЛЕСАРЬ-АСБОВСОЗ, ШТАМПОВКАЧИ.

Ҳужжатлар ҳар кун 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, И. Обидова кўчаси, 70-уя (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 24, 44, 60, 72, 112, 156-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

ХАМЗА НОМИЛИ ҲАҚИДА ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/ХII да Юлдуз туялар.

КИНО 2 ДЕКАБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «КИМ ВА ҚАНДАЙ» — Саъбат саройи (18.30, 20.30; телефонлар: 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74). Чайка (18.30, 21.00; телефон 77-06-20), Москва (18.30, 20.45; телефон 33-05-01), Дружба (17.00; 18, 20, 30), Ватан (18.30, 21.00).

«ҒАЗАБ КУНИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). «ХАЛОҚАТГА МАҲКУМ ЭТИЛГАН КОННИНГ ТОНГИ» — Лисунов номи (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«СВЕТЛИ АФСОҲА» — Ҳамза номи (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-10-51). «ҚИШДА ПИШАР ОЛЧА» — К. Ерматов номи (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

3 ДЕКАБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР: «КИМ ВА ҚАНДАЙ» — Саъбат саройи (11, 13.30, 16, 18.30, 20, 30; телефонлар: 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74). Чайка (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), Москва (11, 13.30, 16, 18.20, 20.45; телефон 33-05-01), Дружба (11, 14, 17.00; 12, 15, 18, 20.30), Ватан (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ҒАЗАБ КУНИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). «ХАЛОҚАТГА МАҲКУМ ЭТИЛГАН КОННИНГ ТОНГИ»

18.00 Янгилликлар. 18.15 «Нега энди филлар». Мультфильм. 18.30 «Қизиқарли учрашулар». Ҳаққондаги Ўзбекистон халқ эвузчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан лавреатури Х. Назиров билан учрашулар.

19.10 «Киев кўприкларини». Телефильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Бугун оламда нима гоп!» Халқаро аҳвол кундалиги. 20.00 УЗССР Давлат телерадиоси Уйғур ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот».

20.30 «Тинчлик» ва бунёдкорлик программаси. КПСС яқин таъридаги Программисининг лойиҳасини муҳокамала қилди. 21.20 «Қошқар». Телефильм. 21.30 Москва, «Время». 22.05 «Уруш ва тинчлик». Бадий фильм. 4-серия. «Пьер Безухов». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Телефильм. 18.20 Адабиёт. Абдулла Қаҳҳор — прозаик. 19.00 Телефильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ритмик гимнастика. 20.05 «Табиятга муҳаббат». Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эстетика асослари. Санъатнинг синфийлиги, партиявийлиги, халқчилиги (рус.).

18.05 Янгилликлар. 18.15 «Нега энди филлар». Мультфильм. 18.30 «Қизиқарли учрашулар». Ҳаққондаги Ўзбекистон халқ эвузчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан лавреатури Х. Назиров билан учрашулар.

19.10 «Киев кўприкларини». Телефильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Бугун оламда нима гоп!» Халқаро аҳвол кундалиги. 20.00 УЗССР Давлат телерадиоси Уйғур ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот».

20.30 «Тинчлик» ва бунёдкорлик программаси. КПСС яқин таъридаги Программисининг лойиҳасини муҳокамала қилди. 21.20 «Қошқар». Телефильм. 21.30 Москва, «Время». 22.05 «Уруш ва тинчлик». Бадий фильм. 4-серия. «Пьер Безухов». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ОНШОМШ (ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ) — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета. (Газета бир йилда 300 марта чинади). БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; сановат — 33-08-74; қуриш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет журналиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юрталари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42.